

Буркина Фасода 100 киши Ислом динини қабул қилди



10:33 / 11.03.2019 2740

Инсонларга ёрдам кўрсатувчи жамиятлар федерацияси (IDDEF) нинг Ғарбий Африкадаги Буркина Фасода олиб борган сўнгги фаолиятлари натижасида бир кунда 100 киши мусулмон бўлди, деб хабар беради Sabah газетаси.

Булар аҳолиси 2,5 мингтани ташкил этувчи Зимидин ва Гиугин қишлоғининг фуқароларидир. Бир оз аввалроқ Кинди қишлоғида ҳам 150 киши мусулмон бўлган эди. Ислом дини ҳақида тушунчалар бериш мақсадида жамланган фуқаролардан 100 киши Қуръони карим тиловати, саловоту шарифлар ва дуолар остида калимаи шаҳодат келтирганлар. Иймон келтириб янги мусулмон бўлганларнинг исмлари Фотима, Оиша, Али, Аҳмад, Одам деб ўзгартирилган.

Буркина Фасода фаолият олиб бораётган IDDEFнинг шу мамлакатдаги Мерож мадрасаси мудирини Муҳаммад Бойна бу борадаги фаолиятларини давом эттиришларини маълум қилган.

Islom.uz портали таҳририяти